

ISSN: 2542-0348

ИНТЕРНАУКА

НАУЧНЫЙ

ЖУРНАЛ

4(86)

ЧАСТЬ 2



internauka.org

г. Москва

Содержание

Статьи на русском языке	5
Филология	5
ПОНЯТИЕ МОНОЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ. КОМПОНЕНТЫ МОНОЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ Хачукаева Зарета Ибадиевна Цалцаева Элима Руслановна	5
ПРИНЦИП НАГЛЯДНОСТИ ПРИ ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ-КОРЕЙЦЕВ СОСТАВЛЕНИЮ МОНОЛОГИЧЕСКОГО ВЫСКАЗЫВАНИЯ Хачукаева Зарета Ибадиевна	8
Философия	10
ЕДИНИЧНЫЙ ОБЪЕКТ ПРИ АНАЛИЗЕ МАТЕРИИ Рычанский Дмитрий Анатольевич Берёзкина Илеанора Владимировна	10
Химия	13
ПОЛУЧЕНИЕ ГЕКСАМЕТАФОСФАТА НАТРИЯ Байзакова Нурила Талгаткызы	13
Экономика	15
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ЕЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ РЫНКА ЛИЗИНГОВЫХ УСЛУГ Мурадова Наргиза Улжаевна Бегматов Хасан Акрамович	15
ИНТЕРНЕТ-МАРКЕТИНГ: СУЩНОСТЬ, ВЛИЯНИЕ И ТРЕНДЫ Петросян Игорь Каренович Буханцева Светлана Николаевна	17
ПУТИ РАЗВИТИЯ ИНТЕГРИРОВАННОГО ПОДХОДА К ПРОЕКТИРОВАНИЮ ЦЕПЕЙ ПОСТАВОК НА МЕЖДУНАРОДНОМ РЫНКЕ Рыбина Юлия Владимировна Эльканова Алима Алиевна	19
ФИНАНСОВЫЙ РЕЗУЛЬТАТ ПРЕДПРИЯТИЯ КАК ОБЪЕКТ ОЦЕНКИ И АНАЛИЗА Саднина Анжелика Константиновна	21
УВЕЛИЧЕНИЕ ПРИБЫЛИ ПРЕДПРИЯТИЯ ЗА СЧЕТ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБОРУДОВАНИЯ Саднина Анжелика Константиновна	25
ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПЛАНИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЦЕПЯХ ПОСТАВОК Рыбина Юлия Владимировна Эльканова Алима Алиевна	29
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ МУХАММАДА АЛЬ-ХОРЕЗМИ Юлдашев Шамсиддин Киямиддинович Халикова Лола Назаровна	32
Юриспруденция	35
СИСТЕМА МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СФЕРЕ ВЫНУЖДЕННОЙ МИГРАЦИИ В РАМКАХ ООН Йордановски Стевица	35
ЦЕЛЬ И ЗАДАЧИ ИНСТИТУТА БАНКРОТСТВА ФИНАНСОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ Михайлов Анатолий Валерьевич	39
КОНСТИТУЦИОННЫЕ ОСНОВЫ СВОБОДЫ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ Морозов Алексей Константинович	41
ПОСЛЕДСТВИЯ НАРУШЕНИЯ ПРАВИЛ РОДОВОЙ ПОДСУДНОСТИ В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ Салихова Сабина Маратовна Вердиева Джамия Абидовна	43

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ УЧАСТИЯ ГРАЖДАН В ЖИЗНИ СУБЪЕКТА: ПРИМЕР КАБАРДИНО-БАЛКАРСКОЙ РЕСПУБЛИКИ Эристаев Арсен Абдурахманович	46
ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В УСЛОВИЯХ РОССИЙСКОЙ ДЕЙСТВИТЕЛЬНОСТИ Эристаев Арсен Абдурахманович	48
Papers in english	50
Pedagogy	50
THE MAIN DIRECTIONS OF PROFESSIONAL TRAINING OF UNIVERSITY CADETS Amrillo Abdullaev	50
THE REASONS OF DECREASING THE NUMBER OF TEENAGERS COMING TO LIBRARY Husniya Boysunova	52
O'zbek tilida maqolalar	55
Tibbiyot va farmakologiya	55
АВТОТАЪМИРЛАШ ЦЕХЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МЕХНАТ ШАРОИТИГА ГИГИЕНИК ТАВСИФ Курбанова Шахноза Иркиновна Пардаев Шавкат Чориевич Бегматов Бобур Исроилович	55
АСАБ-РУҲИЙ ФАОЛИЯТИГА МОС РАВИШДА ТАЖРИБАВИЙ ОСТЕОПОРОЗДА ҚОНДАГИ ЭСТРАДИОЛЛАР МИҚДОРИ ЎЗГАРИШИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ Мавлонов Анвар Ахмадович Эрматов Низом Жумакулович	57
Pedagogika	58
СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ Бекчанов Мурадбек Хожиназарович	58
Muhandislik, ilm-fan	60
ZAMONAVIY ELEKTRON TEODOLITLARNING DASTURIY TA'MINOTI O'tkir Islomov Odilxon Qodirov Shahzod Tadjiyev	60

O'ZBEK TILIDA MAQOLALAR

TIBBIYOT VA FARMAKOLOGIYA

АВТОТАЪМИРЛАШ ЦЕХЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МЕХНАТ ШАРОИТИГА
ГИГИЕНИК ТАВСИФ*Курбанова Шахноза Иркиновна**Ўзбекистон Республикаси Тошкент тиббиёт академияси, т.ф.н. катта ўқитувчи,
Ўзбекистон, Тошкент**Пардаев Шавкат Чориевич**Ўзбекистон Республикаси Тошкент тиббиёт академияси, 1-курс маристр,
Ўзбекистон, Тошкент**Бегматов Бобур Исроилович**Ўзбекистон Республикаси Тошкент тиббиёт академияси, 2-курс маристр,
Ўзбекистон, Тошкент*

Урбанизация, аҳоли моддий фаровонлигининг огишмай ўсиб бориши, шаҳар жамоат транспорт воситаларида йўловчиларни ташишнинг ортиб бориши билан сифатли ва қулай янги йўллар қуришнинг қўпайишига олиб келади [1, б. 35]. Шу билан бирга шаҳар йўловчи автотransпорт сонининг узлуксиз ортиб бориши ва шунга мувофиқ равишда уларни бошқарувчи ҳайдовчилар, таъминловчи автоҳўжаликлардаги техник цехларининг ишчилар сони кун сайин ортиб бормоқда [1, б. 40].

Автотransпортларнинг қўпайиб бораётганлиги ва улардан чиқаётган газлар таркибида 200 дан ортик захарли моддалар борлигини барчамиз яхши биламиз. АҚШ ва Франция олимлари берган хабарларга кўра, атмосфера ҳавосида майда зарарли заррачалар йилдан-йилга қўпайиб бормоқда ва натижада 18-22 фоиз тугилган болаларнинг тана вазни меъридан кам бўлмоқда. Юта штатида ҳар йили бир неча мартаба "Юта штати шифокорлари тоза атмосфера ҳавоси учун" номли семинар ташкил этиб, юрак зўриқиши, инсултлар, коннинг қуйилиши ва тугма нуқсонли касалликларнинг атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан келиб чиқаётганлиги тўғрисида тадбир иштирокчиларига чуқур маълумотлар берадилар. Шунингдек, хомилдор аёл хомилдорликнинг иккинчи ойида озон ва углерод оксиди юқори бўлган ҳаводан нафас олганда, ундан тугиладиган болада тугма нуқсонлар сони 3 мартагача кўп бўлганлиги аниқланган.

Транспорт-замонавий индустриал жамоани керакли жараёнидан бири бўлиб ишлаб чиқаришни моддий техник базасини асосий элементларидан бири ҳисобланади. Автомобиль транспорти туризми ривожлантиришда, ишлаб чиқариш тармоқларини ташкиллаштиришда ва аҳолига хизмат кўрсатишда хизмат қилади.

Автомобиль транспортини ижобий томонлари билан бирга транспорт тармоғини салбий

томонларидан бири атмосфера ҳавосини ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Автотransпорт корхоналари атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манба ҳисобланади. Автотransпорт маҳсулотларини эксплуатация қилиш натижасида ташқи муҳитга захарли омилларни чиқиши натижасида экологик зарар келтиради [2, б. 6]. Ҳар йили автотransпортдан ташқи муҳитга 12 миллион тоннага яқин атмосферани ифлослантирувчи кимёвий омиллар: углерод оксиди, азот оксиди, олтингугурт, углеводородлар ва бошқа кимёвий омиллар ташқи муҳитга ташланади. Бу эса атмосфера ҳавосини захарли моддалар билан ифлослантирувчи умумий фоиздан 70% ни ташкил қилади. Шунинг учун илмий ишимизнинг мақсади шу соҳага таалукли бўлган ишчиларнинг меҳнат шaroитларини, меҳнат фаолияти жараёнида ташқи муҳитни ифлосланишига сабаб бўладиган ишлаб чиқаришга доир асосий зарарли омилларни ўрганиш, ҳамда бу омилларнинг автокорхоналардаги ишчиларнинг касалланишини олдини олиш учун соғломлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқишга бағишладик [3, б. 214].

Автотransпорт корхоналарида автобус ҳайдовчилари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш ва техник базасини яхшилаш учун таъмирлаш цехларида ишловчи ишчилар ҳам фаолият юритади [3, б. 230]. Автотаъмирлаш цехларида бир қанча касб эгалари ишлайди. Улардан авточилангарлар, агрегатчилар, моторчилар, карбюраторчилар, электргазпайвандчилар, вулканизаторчилар, агрегатчилар, автоэлектриклар, токарлар ва бошқа касб эгалари хизмат қилади. Таъмирлаш цехларида ишловчи ишчиларга таъсир этувчи зарарли ва хавфли омилларни ўргандик.

Иш жойларидаги кимёвий омилларни экспресс усул ёрдамида яъни универсал газоанализатори УГ-

2 асбоби ва фотоэлектрик калориметрдан фойдаландик [4, б. 230]. Универсал газоанализаторининг ишлаш принципи ҳавонинг сўрилиши натижасида индикатор найчасидаги кукуннинг ранги ўзгаришига асосланган бўлса фотоэлектрик калориметр усули эса ҳаводаги кичик концентрациядаги газ бугларини аниқлашга асосланган (азот, углерод оксиди, нефть мойлари, кўргошин аэрозоли, сульфат кислота буглари ва бошқалар). Олинган натижаларни УзР ДСТ ССБТ 12.1.005-88 “Ишчи зонаси ҳавосига умумий санитар гигиеник талаблар” га асосан баҳоладик.

Текширув натижаларини шуни кўрсатди-ки электргазпайвандчиларнинг иш жойларидаги азот оксиди $5,6 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этди ($\text{РЭМ}-5,0 \text{ мг/м}^3$). Бу эса меъеридан $0,6 \text{ мг/м}^3$ га кўплигидан далолат беради. Иш жойларидаги углерод оксиди $22,5 \text{ мг/м}^3$ ($\text{РЭМ}-20,0 \text{ мг/м}^3$) ни ташкил этиб, меъеридан $2,5 \text{ мг/м}^3$ га юқорилиги аниқланди. Вулканизаторчиларнинг иш жойларида вулкон газлари $0,55 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этди. ($\text{РЭМ}-0,5 \text{ мг/м}^3$) бўлиб меъеридан $0,05 \text{ мг/м}^3$ юқорилиги аниқланди. Бензин буглари $165,0 \text{ мг/м}^3$ ($\text{РЭМ}-100,0 \text{ мг/м}^3$) ни ташкил этади. Бензин буглари меъеридан $65,0 \text{ мг/м}^3$ га юқори эканлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш муҳитидаги кейинги омиллардан бири иш жойи чангланганлигидир. Электроаспиратор ёрдамида намуналар олиниб олинган натижалар УзР ДСТ ССБТ 12.1.005-88 “Ишчи зонаси ҳавосига умумий санитар гигиеник талаблар” га асосан ўрганилди ва олинган намуналар СанҚваМ №0294-11 “Гигиеник нормативлар. Ишчи зонаси ҳавосидаги зарарли моддаларнинг миқдорий даражаси” да кўрсатилган РЭМ билан солиштирилди. Автотаъмирлаш корхоналарининг чархлаш ва силликлаш станокларида санитария меъёрларининг бузилиш ҳолатлари натижасида чанг миқдорлари юқорилиги кузатилган. Автокорхонадаги хар хил цехларда чанг миқдорини аниқлаш учун намуналар олганимизда чангнинг юқори концентрациялари авточилангарлар, шиномонтажчилар ва вулканизатор-чиларнинг иш жойларида аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гуринович Е.Г., Потеряева Е.Л. Система медицинского обслуживания работников вредных производств в условиях крупного промышленного города // Медицина труда и промышленная экология. - Москва, 2008.
2. Матюхин В.В., Елизрова В.В., Шардакова Э.Ф., Ямпольская Е.Г. Факторы риска в развитии функциональных нарушений у работников физического труда // Медицина труда и промышленная экология. - Москва, 2009
3. Мойкин Ю.В. Роль физиологии труда в оздоровлении условий труда на современных производствах // Теоретические, исторические и этические проблемы медицины. - Москва, 1994.
4. Прокопенко Л. В., Соколова Л.А. Научное обоснование системы оценки и управления профессиональным риском развития заболеваний в условиях современного производства и среды обитания // Медицина труда и промышленная экология. - М., 2009.

Авточилангарларни нафас олиш зонасида чанг концентрацияси $6,8 \text{ мг/м}^3$ ни, шиномонтажчиларнинг иш жойларида $6,7$ ни ва вулканизаторчиларнинг иш жойларида $6,6 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этди. Шуни айтиш жоиз-ки, йилнинг илиқ даврида ва йилнинг совуқ даврларида ўлчаганимизда йилнинг илиқ даврида чанг кўрсаткичлари меъеридан юқорилиги аниқланди.

Шу билан бир қаторда автокорхонадаги иш жойларида шовкин даражалари аниқланди.

Иш жойларидаги шовкин кўрсаткичларини SVAN-943 асбоби ёрдамида ўлчадик. Олинган натижаларни СанҚва М № 0325-16 “Иш жойларида шовкин даражасини рухсат этилган санитар меъёр” ига асосан баҳоладик. Авточилангарлар, моторчилар ва агрегатчиларнинг иш жойларидаги шовкин кўрсаткичлари 3-5 дБА га юқорилиги аниқланди. Шундай қилиб автокорхонадаги автотаъмирлаш цехларида ишловчи ишчиларнинг шовкин даражаси РЭМ дан 3-5 дБА гача ошган бўлиб, шовкиннинг таъсири бошқа омиллар билан биргаликда таъсир қилиши натижасида ортиши ва ишловчилар организмига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб зарарли ва хавфли омилларни комплекс таъсири натижасида ишчиларда иш унумдорлиги пасайишига, иш қобилиятини камайишига ва ишчиларда умумий ва касб касалликларини олиб келишига сабаб бўлади. Бизнинг асосий мақсадимиз ишчиларни меҳнат шароитини оптималлаштириш, иш унумдорлигини ошириш ҳамда ишчилар ўртасида юзага келадиган умумий ва касб касалликларини олдини олиш учун профилактик чора тadbирлар ишлаб чиқиш.

Республика аҳолисига транспорт хизмат кўрсатишни такомиллаштиришнинг замонавий йўналиши ўз ичига шаҳар йўловчи ташиш транспортининг иқтисодий фойдали ва экологик тоза турларини комплекс ривожлантириш, аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш сифатини ошириш, йўловчиларни ташишда хавфсизликни кучайтириш ва транспорт воситаларининг атроф муҳитга таъсирини камайтириш кабиларини олади.